

**Р.Имомов, ЖизПИ, катта ўқитувчи.**

**Иккинчи макка ёки Ўзбекистон иқтисодиёти локомотиви**

В статье отражены состояние трудовых ресурсов и инфраструктуры рынка в сфере обслуживания. Приведена методика организации новых рабочих мест в секторах экономики республики.

Labor resources and infrastructure of market in the field of service have been described in this article. A new method of organization of new employment in the fields of economic in the republic has been taken in the work.

Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йўлида мустаҳкам турган Марказий Осиёнинг йирик давлатларидан бири сифатида ўзининг давлатчилик дастурини ва жамият қурилиши, ҳаётнинг барча соҳа ва томонларини ислоҳ қилиш дастурини ишлаб чиқди. Ватанимиз мустақиллиги туфайли унитилган кадриятлар тикланмоқда, маърифат булоқлари қайта кўз очмоқда. Боқий маданият сарчашмаларидан бири ислом фалсафий назариясининг ўрта асрларда буюк ватандошларимиз Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд каби забардас даҳолар томонидан шакллантирилиши ва қарор топиши ғоят муҳим ва улкан аҳамият касб этган. Улар қолдирган мерос ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу даҳоларнинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашлари таълимотлар тарзида шаклланиб, борлиқни мушоҳада этишда, ахлоқий-эстетик кадриятларни белгилашда улкан аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ислом маданияти анъаналарини изчил давом эттирган ҳолда республика иқтисодиётининг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг кенг имкониятлари пайдо бўлади. Айтишларича ҳар йили Ўзбекистондан ҳаж сафарига борган ҳожилардан, ҳаж сафари олдидан иккинчи “саҳийҳ” йўналиши асосчилари, ислом оламининг энг етук ва машҳур муҳаддислари буюк ватандошларимиз Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд қабрларини зиёрат қилганмисиз?- деб сўрашар экан.

Бундай саволнинг берилиши албатта бежиз эмас. Манбаларда айтилишича, Боғдод муҳаддислари ватандошимиз Имом ал-Бухорийни имтиҳон қилиб, у зотга “Имом ал-муҳаддисин”, яъни (“Барча ҳадисчиларнинг пешвоси”) деган унвон берган эканлар.

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал Жомеъ ас-Саҳийҳ” (“Ишочли тўплам”) деб номланган тўрт жилдлик ҳадислар тўплами ислом оламида муҳаддислар тузган ҳадис китобларининг энг ишонарлиси ва мукаммали бўлиб қолмоқда. Имом ал-Бухорий тўпламининг эътиборли жиҳати шуки, унда Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларидан ташқари, фикҳ, ислом маросимчилиги, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи, жўғрофияси ва этнографиясига доир маълумотлар ҳам берилган.

Имом ал-Бухорийнинг Самарқанд вилояти Пойарик тумани Ҳартанг қишлоғидаги қабри мақбараси бутун ислом дунёсидан келган сайёҳларнинг ва республика аҳлининг мўътабар зиёратгоҳидир.

Ислом оламида шуҳрат қозонган буюк муҳаддислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизийдир. Ат-Термизийнинг фикҳ – ислом қонуншунослиги бобларига мослаб тасниф қилган “Сунан” номли китоби тегишли мавзуларни ўз ичига атрофлича қамраб олганлиги сабабли “Ал-Жомеъ ас Саҳийҳ” деб ҳам шуҳрат қозонган.

Уламолар ривоят қилишларича, кимнинг уйида Имом ат-Термизий “Жомеъ” китоблари турса, унинг уйида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом гапириб турган билан баробардир. Чунки Имом ат-Термизий Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаллам сўзларининг энг саҳийҳларини – дурларини териб китоб қилганлар. Шу боис Имом ат-Термизий китобларини ўқиган, тушунган, унга амал қилган кишилар пайғамбаримиз суннатини тушунган, унга амал қилган бўлади!

Имом ат-Термизийнинг ислом равнақи йўлидаги, хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассалламнинг суннатларини халққа етказишдаги хизматлари беқиёсдир. Ҳозир ул зотнинг мақбаралари Шеробод тумани маркази яқинидаги қишлоқ қабристонида қад кўтариб турибди. Қадим замонлардан мусулмонлар учун бу ер табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади.

Абдуҳолиқ Ғиждувоний Мовароуннаҳрда мустақил тасаввуф мактаби – хожагонлик таълимотига асос солган. Кейинчалик бу сулук Нақшбандийлик деб аталган. Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқеаларигагина эмас, ундан кейин ҳам кўп асрлар ҳукм сурган Нақшбандийлик оқимининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган йирик мутасаввуф олимдир.

Маълумки, Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бўлган. Унинг таълимоти Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотига асосланган.

Инсоният тарихида авлодларига васият қолдирган фозил кишилар кўп бўлишган, аммо валийulloҳ ал-Ғиждувоний ўғитлари маънан бўлиқлиги билан бошқаларидан бутунлай фарқ қилади. Ҳайратли томони шундаки, мусулмонлар ҳаёти ҳамда табиатининг олий руҳи – Худованди каримни англаш йўлига тушган барча инсонларнинг қизиқишини ортирган маҳдий Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг илоҳий ҳақиқатни билишга чорловчи васиятномаси бизнинг замонда ҳам жозибали кучини йўқотган эмас.

Шу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси фармони ва Вазирлар маҳкамаси қошидаги дин бошқармаси фатвоси билан ҳаж сафарига борувчиларни ташкилий тартибда, ҳаж сафари олдида ҳар йили бўлғуси ҳожиларнинг **Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари зиёратини** мунтазам (ташқил этсалар) уюштирсалар, бу қисқа фурсат ичида нафақат Ўзбекистонда балки бутун ислом оламида анъанага айланиши мумкин.

Бундай анъананинг юзага келиши, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси тарихий обидаларини тамоша қилиш учун оқиб келаётган 3 миллион кишидан ортиқ сайёҳлар сафига, яна 4-5 миллионга яқин муқаддас қадамжолар зиёратчиларининг қўшилиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига олиб келади ва ўз ортидан қурилиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва телекоммуникация, транспорт тармоқлари, ижтимоий инфратузилманинг жадал суръатларда ривожланишига туртки бўлиши мумкин. Натижада, республика иқтисодиёти соҳаларида миллионлаб янги иш ўринларини яратиш имконияти пайдо бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши, хизмат кўрсатиш инфратузилмасини жаҳон стандартлари асосида ташкил этишни талаб этади. Аҳолига хизмат қилувчи ёки ижтимоий инфратузилма: уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати; маориф; маданият; соғлиқни сақлаш; аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идораларини ўз таркибига олади.

Иқтисодиётдаги бандликнинг миқдори техника ва технологиянинг ҳозирги ривожланиш даражасида даромад ва миллий маҳсулотнинг миқдорини аниқловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун энг қўп ва имконият даражасидаги иқтисодиётнинг даромадини ва ишлаб чиқаришнинг мумкин бўлган даражасини меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдалангандагина эришиш мумкин.

Ривожланган ижтимоий инфратузилма аҳолининг ҳаёт тарзини такомиллаштириш учун шароит яратади, унинг ўзи эса истеъмол тузилмасининг ўсиши ва ривожланиши, демографик ҳолатни тартибга солувчи восита бўлиб ҳисобланади. Бунда асосий эътибор соғлиқни сақлаш тизимини ва болалар соғлиғини сақлаш муассасаларини ривожлантиришга, санитар-эпидемиалогик шароитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бу йўналишдаги тадбирларнинг барчаси ижтимоий инфратузилмани комплекс ривожлантириш зарурлигини тасдиқлайди, чунки инфратузилманинг барча қолган элементларини ривожлантириш муаммоси бўйича тадбирларни у ўзида мужассамлаштириди. Шунини таъкидлаш лозимки, ижтимоий инфратузилма мураккаб тизимни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унда минтақанинг барча ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришдаги элементларини ўзаро бир-бири билан боғлиқликлари ва ривожланиши ва орқада қолиш сабабларини мужассамлаштиради.

Муаммонинг бундай қўйилиши қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг ижтимоий инфратузилма хизматига ва объектларига бўлган эҳтиёжларини дифференциаллашган меъёрларини фақат қаралаётган минтақага хос бўлган қийматларини аниқлаш зарурлигини илгари суради. Уларни ишлаб чиққанга қадар ижтимоий инфратузилма элементларини ривожлантиришнинг объектив мезони бўлиб, қишлоқ ва шаҳар жойлари ривожланиш даражасини ўзаро таққослаш орқали устувор йўналишларни аниқлаш мумкин. Ижтимоий инфратузилманинг хизмат кўрсатиш тармоқлари ва объектлари билан таъминланганлик даражасини таққослаш натижасида, минтақада у ёки бу йўналишни ривожлантиришнинг устуворлик даражаси ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Анжуманда иштирок этиш учун буюртма

|                                |                                |
|--------------------------------|--------------------------------|
| Фамилияси                      | Имомов                         |
| Исми                           | Райим                          |
| Шарифи                         |                                |
| Иш жойи                        | ЖизПИ                          |
| Лавозими                       | Катта ўқитувчи                 |
| Илмий даражаси                 | -                              |
| Унвони                         | -                              |
| Манзили (тўпламни юбориш учун) | Жиззах ш."Заргарлик"м-си 11/14 |
| Иш жойи телефони               | 226-37-33                      |
| Уй телефони                    | 226-27-84                      |
| E-mail                         | Rayim @ mail.ru                |
| Тўлов ҳақида патта №           | тўланди                        |